

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 6

Бухоро шаҳри

«20» январь 2022 йил

Бухоро вилоят санитария эпидемиология осойишталик маркази кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади номидан ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бош врач Тухтаев тимсолида, бир томондан ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи бош врач Саидов Г.Н. тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га **Бак лаборатория анализлари учун** Хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2.

№	Наименование товара (продукции)	Ед. измер.	кол-во	цена	сумма
1	Материаллар ва дорихона эритмаларини текшириш	шт	24	31400	753600
	Всего сумма				753600

1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати **2022 йил "14" январдан** 2022 йил "31" декабргача амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ташқари ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

III. ШАРТНОМАНИНГ

БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **753600 (Етти юзи эллик уч минг олти юз)** сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 15 фоизи миқдориди 2022 йилнинг _____ ойда олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 85 фоизи миқдориди 2022 йилнинг _____ ойда якуний тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмаларининг штампиди кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтларини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома **2022 йил «20» январдан 2022 йил «31» декабргача** амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекснинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

Бухоро вилоят санитария эпидемиолигик
осойишталик маркази

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Республика ихтисослаштирилган онкалогия
ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази
Бухоро филиали

Манзил: Бухоро ш. И.Муминов 29

Манзил: Бухоро ш. Ғамрезов 41

Тел./факс 223-37-40

Тел./факс 228-58-50

ш/ҳ* 401421860064017074110054001

х/в 400321860064017073201054014

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201504402

ИНН 201511924

ОКОНХ 91531

ОКОНХ 91513

Ғазначилик бўлинмаси номи: Бухоро
вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси

Ғазначилик бўлинмаси номи:

Ғазна х/в: 23 40 20 00 30 01 00 00 10 10

Ғазна х/в: 23 40 20 00 30 01 00 00 10 10

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий
банк ББХКМ

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий
банк ББХКМ

МФО: 00014

МФО: 00014

Молия вазирлиги ғазначилиги

Молия вазирлиги ғазначилиги

СТИРи: 201 122 919

СТИРи: 201.122 919

Бош варақ Тухтаев

Бош варақ Саидов Г.Н.



(ИМЗО)



(ИМЗО)

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _____